
"МАШАД" МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИДА ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАРГА УН ТАРҚАТИЛДИ

Марғилон шаҳар "Машад" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳудуддаги эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бугун яна бир хайру саховат тадбири ўтказилди.

Маҳалладаги эҳтиёжманд ва ногиронлиги бўлган 32 та оилаларга Наврўзи олам ҳамда муборак Рамазон ойи муносабати билан маҳалла раиси ташаббуси ва саховатпеша ҳомийлар кўмагида 1 қопдан ун тарқатилди.

Бундай савобли ва эзгу ишлардан миннатдор бўлган фуқаролар ташаббускорларга ўз миннатдорчиликларини изҳор қилиб, қўлларини дуога очишди.

2023-03-16 16:57:35